Умида ТЕШАБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директор ўринбосари

КЎҲНА НАСАФДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

In article the Internet information and library resources in science, education, culture and business is told about the 8th International conference "Central Asia".

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббуси билан ташкил этиладиган "Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш" мавзуидаги анъанавий Халқаро конференция шу йил, саккизинчи бор Қарши шаҳрида 22–26 апрель кунлари бўлиб ўтди.

Республика ҳукуматининг 2013 йил 23 декабрдаги 868-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган режага биноан ўтказилган мазкур анжуманнинг асосий мақсади фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва ривожлантиришда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан иборат эди.

Нуфузли халқаро анжуманда Ўзбекистон, Озарбайжон, Германия, Россия, Украина, Қозоғистон, АҚШ каби давлатлардан 300 дан зиёд ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, архивлар, музейлар мутахассислари, олимлар, таълим муассасалари ўқитувчилари, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) мутахассислари, жамоат арбоблар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мазкур анжуманни уюштиришда Миллий кутубхона билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар ҳамкорлик қилишди.

Конференция доирасида ялпи мажлис, шўъбалар йиғилиши, давра-суҳбатлари ҳамда семинар-тренингларда 86 та маъруза ва тақдимотлар тингланди.

Конференция ялпи мажлиси 23 апрель куни Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқий-драматик театрида очилди. Унда "Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона фаолияти ҳолати ва ривожланиши", "АҚШ Конгресс юридик кутубхонасида махсус ҳуқуқий ахборотлар коллекциясининг ташкил қилиниши, ишлаши ва улардан фойдаланишдаги муам-



молар", "Президент кутубхонасининг электрон ресурслари – қидирув тизимидаги сўровлар объекти", "Германия кутубхоначилик ассоциацияларининг ўзаро алоқаси: тарихи ва замонавий ҳолати", "Қозоғистон Республикаси Миллий кутубхонаси – тадқиқотчиларга кўмакчи", "Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг лоиҳавий фаолияти" сингари маърузалар тингланди.

"Ахборот-кутубхона фаолияти қонунчилиги ва меъёрий базаси" биринчи шўъба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинди ва республикада ахборот-кутубхона инфраструктураси меъёрий-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш, ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида муаллифлик ҳуқуқига амал қилиш масалалари, шунингдек, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида" ги Қонунни, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1729-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сон қарорини, "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш масалаларини ёритиб берди.

Шўъба ишига Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Х.Қ.Каримова модераторлик қилди ва унда 10 та маъруза тингланди.Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директор ўринбосари У.Тешабаеванинг «Мониторинг натижаларига кўра республикадаги ахборот-кутубхона муассасаларидаги муаммолар» ва Миллий кутубхона хизмат раҳбари Н. Холдорованинг «Ахборот-кутубхона муассасаларидаги ахборот-кутубхона ресурсларини ягона ҳисобга олиш тизими» мавзусидаги чиқишлари шўъбанинг энг яхши маърузалари деб топилди.

"Ахборот-кутубхона фаолиятининг фан ва техника тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти" номли иккинчи шўъба ишида республика фани ривожланишида академик ахборот-кутубхона марказларида ахборот ресурсларининг ўрни, электрон кутубхоналарнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, олимлар ва мутахассислар учун хорижий илмий-таълимий электрон базаларнинг аҳамияти, ахборот-кутубхона муассасаларини комплекс автоматлаштириш масалалари ва мамлакат ахборот-кутубхона тизимида интерфаол хизматларни ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Шўъба ишига Ўзбекистон Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси директори З.Ш.Бердиева модераторлик қилди ва 17 та маъруза тингланди. Тошкент ахборот технологиялари университети профессори М.Рахматуллаевнинг «Ахборот-кутубхона муассасаларини комплекс автоматлаштириш масалалари» ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хизмат раҳбари Ш.Раҳимованинг «Ўзбекистонда давлат библиографиясини юритиш: вазифа ва устувор йўналишлари» мавзусидаги чиқишлари шўъбанинг энг яхши маърузалари деб топилди.

"Ахборот-кутубхона ресурслари таълимда. Ахборот-ресурс марказларининг вазифалари" номли учинчи шўъба ишида фан, таълим, маданият ва иқтисоднинг ривожланишида ахборот-кутубхона муассасалари ролининг ортгани билан бир қаторда электрон ресурслар, ахборот-кутубхоначилик тармоқлари яратилиши, ахборот ресурслари ва хорижий илмий-таълимий электрон маълумотлар базасидан биргаликда фойдаланиш

бўйича муассасалар кооперацияси, таълим жараёнига мултимедиа ресурсларини татбиқ қилиш ва улардан фойдаланиш, ўқувчиларда медиамаданиятни шакллантириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шўъба ишига Тошкент ахборот технологиялари университети "Ахборот-кутубхона тизимлари" кафедраси мудири Б.И.Ғаниева модераторлик қилди ва 15 та маъруза тингланди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси Н.Бендикнинг "Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ахборот-кутубхона фаолияти олдидаги асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида бажарилган ишлар" ва Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ўқув-методик бўлими мудири О.Раҳимовнинг "Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологияси" мавзусидаги чиқишлари шўъбанинг энг яхши маърузалари деб топилди.

"Маданият ва санъат соҳасида ягона ахборот макони. Ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриёт, архив ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлиги" номли тўртинчи шўъба ишида имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юзага келадиган бир қатор муаммолар, Россия давлат кўзи ожизлар кутубхонасида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, ахборот-кутубхона, архив ва музейлар ўзаро алоқасини янада мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, архив муассасаларида АКТдан фойдаланиш даражаси ва жорий қилинган интерфаол хизматлар каби масалалар муҳокама қилинди.

Шўъба ишига Ўзбекистон Республикаси Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори Г.Е.Бердимбетова модераторлик қилди ва 15 та маъруза тингланди. Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви шўъба мудири Н.Зуҳриддиновнинг «Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви веб-сайти орқали илмий-техникавий ва тиббиётга оид ҳужжатларни интерактив онлайн хизматлари орқали тақдим этиш масалалари» ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хизмат раҳбари О.Ҳамидованинг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни» мавзусидаги чиқишлари шўъбанинг энг яхши маърузалари деб топилди.

Шунингдек, конференция доирасида "Ахборот-кутубхона муассасаларида болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилишнинг янги йўналишлари" мавзусида россиялик ва қозиғистонлик мутахассислар томонидан давра суҳбати, «Алоҳида қимматга эга нашрлар ва қўлёзмаларни сақлаш, консервация ва реставрацияси масалалари" мавзусида АҚШнинг ЮТА университетидаги Мариотта кутубхонасининг фондларни сақлаш бўйича мутахассиси Рэнди Силверман томонидан семинар-тренинг, ВеРто дастурчилар марказининг «Кадата 3.0. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими» янги дастурий маҳсулоти тақдимоти ташкил қилинди.

Анжуманда тингланган маърузалар Республика ахборот-кутубхона муассасалари томонидан бажарилган салмоқли ишлар билан бир қаторда ўз ечимини топиши керак бўлган масалалар ҳам йўқ эмаслигини кўрсатди. Яъни, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари талаб даражасида эмаслиги, ахборот-кутубхона фондларини маълумот-энциклопедик ва лотин алифбосидаги нашрлар билан тўлдирилиши, янги ахборот ташувчиларда ресурсларнинг етарли эмаслиги, илмий кутубхоналар ва таълим муассасалари таркибидаги ахборот-ресурс марказларини ҳорижий электрон илмий ва илмий-таълимий маълумотлар базаларига обуна бўлиш учун маблағлар ажратилиши, турли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида миллий электрон ресурсларни, тармоқларни яратиш, ресурсларни масофадан етказиб бериш ва халқаро кутубхоналараро абонемент ишини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

VIII Халқаро конференцияси доирасида иштирокчилар Китоб тумани 4-умумий ўрта таълим мактаб кутубхонаси ва Китоб компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, махсус маданий дастур тайёрланган бўлиб, иштирокчилар Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқий-драматик театри спектакллари намойишида қатнашдилар ва Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий ва диққатга сазовор жойларига ташриф буюрдилар.

Халқаро конференция иши юзасидан якуний ҳужжат қабул қилинди. Умуман олганда бу йилги конференция кўтаринки кайфиятда ўтди. Мулоқотлар иштирокчилар орасида касбий ҳамкорлик ва инсоний дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.